Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 7 июль сешанба

Сотувда эркин нархда № 135 (1916)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

"Ғалла-98"

## Самарқандлик ғаллакорлар ғалабаси

Мамлакат ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида меҳнат қилаётган Самарқанд вилояти деҳқонлари зафар маррасига эришди. Улар ўрим-йиғим мавсумини юксак уюшқоқлик билан ўтказиб, ғалла топшириш давлат буюртма-режасини бажардилар. Қабул пунктларига 217 минг тонна дон етказиб берилди. Ўртача ҳосилдорлик илк бор 42 центнерга етди.

Бу улкан ютуққа вилоятнинг барча туманлари ғаллакорлари муносиб улуш қўшди. Самарқанд селекционерлари етиштирган "Улуғбек 600" навли буғдой экилган далаларда гектар бошига 70-80 центнердан ҳосил кўтарилди.

Ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.

**ЎзА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

## ФАРМОНИ

## Акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида

***Қалбаки ва сифатсиз алкоголли ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик, акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида:***

1. Белгилаб қўйилсинки, акциз маркаларини қалбакилаштирганлик учун, шунингдек, қалбаки акциз маркаларини сотганлик учун, қалбаки пулларни ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ва сотиш каби ҳоллар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддасида белгиланган жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги акциз маркаларини ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда фойдаланиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар, айбдор шахсларни жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

икки ҳафта муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга акциз маркаларни бошқа мақсадларда сотганлик учун, шунингдек, уларни ноқонуний сотиб олганлик ва айлантирганлик учун аниқ жиноий жавобгарлик чоралари тўғрисида таклифлар киритсин.

4. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг айланишига нисбатан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда алкоголли ва тамаки маҳсулотлар сотишдан бюджетга тушумларни кўпайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарори 2-бандининг 1-хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 6 июль





### ЗУБАЙДАХОН ОПА ДАЛАЛАРИДА

*Бугун ҳаёт қайнамоқда. Ким ғўзани ўтоқдан чиқармоқда, ким чопиқ трактори билан қатор ораларига ишлов бермоқда, ким ниҳолга оби-ҳаёт тараётир. Бошқача айтганда, оби-тобида парвариш қилинаётган ғўзалар кун сайин кўкка бўй чўзиб, унинг ҳосилига-ҳосил қўшилмоқда.*

*Сезгандирсиз, Зубайдахон Исломова — пахтакор. У бир неча йилдирки, Ёзёвон туманидаги "Хонобод" жамоа хўжалигининг 2-бригадасига етакчилик қилмоқда. Меҳнат аҳли жорий йилда 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта етиштирмоқчи. Бу марра, албатта, забт этилади. Ғўзаларнинг авжи, пахтакорларнинг ғайрат-шижоати шундан далолат бермоқда.*

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Зубайдахон Исломова; ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.**

## РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Пул-кредит сиёсати комиссиялари раислари иштирок этди.***

***Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси — мазкур комиссия раиси Ф. Муллажонов бошқарди.***

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул муомаласини тўғри ташкил этишга доир қарорларининг жорий йилнинг иккинчи чорагида ва умуман биринчи ярим йилликдаги ижроси якунлари, айрим корхона ва ташкилотларда иш ҳақи базавий фонди даражаси ҳамда валютани тартибга солишга доир бир қанча муҳим масалалар муҳокама этилди.

1998 йилнинг ўтган олти ойида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш ва муомалага нақд пул чиқариш кўрсаткичлари умуман мамлакат миқёсида кўзда тутилган даражада бўлди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида банклар кассаларига кўзда тутилганидан 4,3 миллиард сўм, яъни 2,8 фоиз кўп нақд пул келиб тушди. Муомалага нақд пул чиқариш ҳажми Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда кўзда тутилган даражада бўлди. Андижон ва Фарғона вилоятларида эса муомаладан нақд пул олинди.

Мажлисда айрим ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг шу йил июнь ойида бўлиб ўтган мажлисида билдирилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқармаганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Бухоро, Қашқадарё, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри Пул-кредит сиёсати комиссияларининг иш фаолиятлари танқид қилинди. Мажлисда мазкур ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг бу борадаги ҳисоботлари тингланди ҳамда ушбу аҳволни бартараф этиш юзасидан улар томонидан бажарилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, мажлисда республика Пул-кредит сиёсати комиссияси аъзоси М.Нурмуродов ва бошқаларнинг муҳокама этилган масалалар юзасидан маъруза ва ахборотлари тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Ғ. Барноев ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова иштирок этди.

**(ЎзА)**

Акс-садо

## ИНСОН-АЗИЗ!

***Уруш кўрганлар сони ҳам камайиб бормоқда. Ҳар йили Ғалаба байрами куни тенгқурларимнинг баъзилари йўқлигини кўриб, кўнглим бузилиб кетади. Орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, гўё ҳаммаси кечагидек ёдимда.***

«Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Хотира халқни бирлаштиради» номли мақолани ўқирканман, анча ҳаяжонландим. Ўша ёзувчи боламнинг бошқа асарларини ҳам невараларим ўқиб берган. Хотира юртбошимизнинг таклифлари билан уйғунлаштириб ёзилганки, ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди.

Урушнинг номи ўчсин. Ҳеч бир авлод қирғинбарот кунларни кўрмасин. Ўзбекистонимизда тинчлик ва осудалик ҳукм сураётганлигининг ўзиёқ ҳар бир нарсадан қимматлидир. Лекин уруш қурбонларига ўрнатилажак ёдгорлик шундай танланиши лозимки, уни кўрган ва эшитган ҳар бир инсон урушнинг барча-барча даҳшатларини кўз олдига келтирсин, нотинчликка қадам қўймоқчи бўлганларнинг қадамини қайтарсин. У инсонларни хушёр туришга, тотув яшашга ундаб турсин. Менга қолса, ёдгорликнинг қайсидир жойида сачраган қон тасвирини ҳам туширса яхши бўларди. Уруш, бу беҳудага қон тўкилишидир.

Лекин менинг шу ўринда яна бир фикрим ҳам борки, аввало, ҳаётнинг, тирикликнинг, атрофимиздаги — ҳар куни кўришиб турадиганларимизнинг қадрига етайлик. Пойтахтнинг марказ жойларидан бирида қад ростлажак Хотира ёдгорлиги ҳам, аввало, бир-биримизнинг қадримизга етиб юришимизга ундаб турсин.

**Номоз бобо ҚАРШИЕВ,**
**уруш иштирокчиси,**
**1-гуруҳ ногирони.**

## ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***Бутун мусулмон оламида таниқли аллома, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик муборак таваллуди байрами тобора яқинлашмоқда. Юбилей муносабати билан ул зоти шарифнинг Самарқанд вилояти Челак тумани Хартанг қишлоғидаги абадий қўним топган масканида шарқона меъморчилик анъаналари асосида улкан ёдгорлик мажмуаси бунёд этилмоқда.***

Айни вақтда теварак-атрофни ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш, муҳандислик, коммуникация тармоқлари қуриш ишлари ҳам жадал бормоқда. Айрим мураккаб ишларни бажаришда чет эллик фирма ва компаниялар кўмаклашмоқда. Юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзоларидан бир гуруҳи ўтган шанба куни Самарқандда бўлди. Республика Бош Вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошчилигидаги бу гуруҳ мазкур мажмуада ва бошқа объектларда олиб борилаётган ишларнинг кўлами ва сифати билан танишди.

Ташкилий қўмита йиғилишида республика вазирлик, концерн, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимлиги ходимларининг бу борадаги ахборотлари тингланди. Амалга оширилган ишлар пухта таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгиланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, барча қурилиш материаллари етарли бўлишини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Самарқанд вилоят ҳокими А. Мардиев қатнашди.

**Ҳамза Шукуров,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯПОНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШРИФИ

Япониянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган "Сумитомо Корпорейшн" компанияси президенти Кенжи Мияхара раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлди.

Учрашувда вазир Э.Ғаниев меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсатида юз бераётган ўзгаришлар, хорижлик ҳамкорлар билан алоқалар ҳамда бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида сўзлади.

К. Мияхара мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнига юқори баҳо берди. Ўзбекистон эришаётган иқтисодий ютуқларда япон ишбилармонлари, хусусан, ўзи раҳбарлик қилаётган компаниянинг ҳам улуши борлиги қувонарли эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишлари хусусида фикрлашиб олинди.

**(ЎзА)**

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

## ҲУКМ ЎҚИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлар ҳайъатида раислик этувчи Йўлчибой Турсунбоев, Олий суд судьялари Қаҳрамон Исаров, Фарҳод Аслонов таркибида экстремистик руҳда бўлган, ваҳҳобийликни ниқоб қилиб олиб, қатор оғир ва ўта оғир жиноятларни амалга оширган бир гуруҳ жиноятчилар устидан ҳукм ўқилди.

Судланувчилар Толиб Мамажонов, Носир Юсупов, Исроил Парпибоев, Улуғбек Юсуфбеков, Абдумутал Йўлдошев ва бошқалар устидан одил ҳукм чиқарилди. Судлов ҳайъати судланувчиларнинг ўз айбларига иқрорликларини, илтимос ва илтижоларини ҳам тўла инобатга олди ҳамда уларга жазо беришда инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндошди. Мутаассиб ва ваҳҳобийлик ниқоби остидаги жиноятчилар қилмишларига яраша турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

**Ўз мухбиримиз.**

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ

## МАҲСУЛОТИ ДУНЁ ТЎҚИМАЧИЛАРИГА МАЪҚУЛ

***Самолёт Фарғона аэропортига қўнишига бир неча дақиқа қолганда, иллюминатордан пастга назар ташласангиз, ўнлаб, юзлаб корхоналар орасида заргалдоқ рангидаги бино ялт этиб кўзга ташланади. Кўпчилик бу катта иншоот Тошлоқдаги «ДЭУтекстайл» компаниясига қарашли корхона эканлигини яхши билади. Сабаби, унинг тўла қувват билан ишлай бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, довруғи, айниқса, жаҳон андозаларига мос, дунё тўқимачиларига жуда маъқул келаётган ип маҳсулотлари курраи заминга овоза бўлмоқда. Бугунги кунда Оврупо, Осиё, Африка мамлакатларида ва ҳатто олис Австралия тўқимачилик саноати корхоналарида ҳам Тошлоқ маҳсулоти ишлатилаяпти, буюртмалар портфели эса тобора тўлиб бораётир.***

Тошлоғу Марғилон ҳунармандлари, тўқимачилари, шойи-атлас абрибандчиларининг довруғи азалдан Машриқ мамлакатларида маълум ва машҳур эди. Шунинг учун бўлса керак, дунёга машҳур «ДЭУтекстайл» компанияси вакиллари ип-йигирув корхонаси бунёд этиш ниятида мамлакатимизга келганларида, гўзал табиати, бой табиий хомашёси, айниқса, меҳнаткаш ва сахий кишилари бўлган Тошлоқ уларга маъқул бўлди. Шу тариқа, бу ерда кореяликлар сармояси иштирокида йирик корхона бунёд этилди.

Ҳозирги кунда бутун дунё эътироф этаётган мазкур корхонани чин маънода ҳақиқатга айланган афсона, дейиш мумкин. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: ўтган йилнинг бошида унинг ўрнида маҳсулоти ҳеч кимга керак бўлмаган нотўқима матолар фабрикаси ишлаб турган эди. Кореялик тўқимачилар бу фабрикани сотиб олишди. Қисқа муддат ичида бинолар, асосий ишлаб чиқариш цехлари таъмирланди. Қурилиш, пардозлаш ишлари вилоятдаги бир қатор ташкилотларга ишониб топширилди. Ва улар бу ишончни қойилмақом қилиб уддалашди.





—Фарғона водийсида қурилажак йирик тўқимачилик корхонасига раҳбар этиб тайинланганимдан сўнг бу ерда яшаётган халқнинг тарихи, ўтмиши билан қизиқдим, — дейди Тошлоқдаги «ДЭУтекстайл» компанияси президенти Чонг Хон Жу жаноблари. — Мен, айниқса, қарийб уч юз километр масофага чўзилган канал — водийнинг «кумуш камари» — Катта Фарғона канали 45 кунда асосан қўл кучи ёрдамида қазилганлигини эшитиб, жуда ҳайратланган эдим. Бугун эса шундай меҳнаткаш халқ бундан-да улуғвор ишларга қодир эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим: 9 ой деганда бутун бошли йирик корхона тўла қувват билан маҳсулот бера бошлади-я! Дунё тажрибасида бундай кенг кўламли юмушга 2-3 йил, ҳатто беш йил вақт сарфланади.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН КУНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

***Мамлакатимизда бир ҳафта давом этган дўстлик шодиёналари — Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари якунланди. Бу тадбир, айтиш мумкинки, истиқлолга эришган икки мамлакат халқлари ўртасидаги азалий дўстликни янги мазмун билан бойитди ва янада мустаҳкамлади.***

Меҳмонлар республикамиз пойтахтида, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида бўлиб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик ишлари билан танишдилар, жаҳонда тенги йўқ тарихий ва меъморий обидаларни кўздан кечирдилар. Ишлаб чиқариш жамоаларида, дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлдилар. Самимий учрашувлар чоғида икки халқ ўртасидаги дўстликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар шўх рақсларга уланиб кетди.

"Туркистон" саройида мамлакатимизда Тожикистон Республикаси кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев ҳамда Тожикистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Бобохон Маҳмадов мазкур байрамнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, икки мамлакат Президентларининг ташаббуси билан ўтказилган бу муҳим тадбир нияти эзгу ва муштарак халқларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг самараси эканлигини, у ўзбек-тожик маданияти тарихига янги саҳифа бўлиб ёзилганини таъкидладилар.

Кеча қатнашчилари учун Ўзбекистон ва Тожикистон санъаткорлари ижросида катта концерт намойиш этилди. Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

* * *

*Тожикистонлик меҳмонлар Тошкент аэропортида анъанавий карнай-сурнай садолари остида самимий кузатиб қўйилди. Меҳмонлар билан хайрлашиш учун бу ерга маданият, санъат, адабиёт намояндалари, театр арбоблари, жамоатчилик вакиллари тўпланишди. Дўстона гурунг давомида иккала халқ вакиллари тез орада яна дийдор кўришишга умид билдирдилар. Маросимда Ўзбекистон маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Тожиддин Мардонов иштирок этди.*

**(ЎзА)**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# МАҲСУЛОТИ ДУНЁ ТЎҚИМАЧИЛАРИГА МАЪҚУЛ

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Корхонанинг ишга туширилиши арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари бу ерга ташриф буюрди. Мен Ислом Абдуғаниевични таниқли давлат арбоби ва иқтисодчи олим сифатида яхши билардим. Самимий суҳбатдан сўнг эса, тўқимачилик саноатининг сир-асрорлари, бу тизимнинг дунёдаги муаммолари ҳақида ҳам чуқур билимга эга эканлиги мени ҳайратга солди. Жаноб Каримов оддий деталларнинг ишлаш унуми, қаердан олиб келинганлиги, маънавий даражаси ҳақида саволлар бериб, бизни анча ўйлантириб қўйди.Шундай салоҳиятли раҳбар етакчилик қилаётган мамлакатнинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюк бўлишига шак-шубҳам йўқ.

...1997 йил. Наврўзи ажам кунлари. 69 минг 920 та урчуқдан иборат дастгоҳлар гуриллаб ишлаб кетди. Келгуси ойдаёқ 300 тоннадан зиёд пишиқ, жаҳон андозаларига тўла мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқарилди. Май ойида эса маҳсулот ҳажми 2,5 баробар ошиб, 777 тоннага етди. Орадан икки ой ўтгач, ана шу кўрсаткич 1240 тоннага ортди. Бу — корхона тўла қувватга чиқиб олганидан далолат эди. Энди Тошлоқдан калава ип ортган машиналар, вагонлар Япония ва Кореяга, Европадаги қатор мамлакатларга йўл ола бошлади.







Ўтган йили корхона бўйича дунё тўқимачилик саноатига сув ва ҳаводек зарур бўлган СД 16 С, СД 36 С, См 30 С русумли калава иплар тайёрланди. Бошқача айтганда, бир кеча-кундузда тўқимачилар ўртача 47 тоннага яқин ип ишлаб чиқардилар. Бу корхонанинг ўртача ишлаб чиқариш қувватидан анча ортиқдир. Ана шу маҳсулотнинг 40 фоизи Европа давлатларига, яна шунча фоизи Японияга жўнатилди. Қолганини эса сармоядорлар ўз юртларига, шунингдек, Марказий Осиё республикаларига юбордилар.

Мазкур корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот тури жиҳатидан Марказий Осиёда эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳам ягона ҳисобланади. Чунки «ДЭУтекстайл» компаниясига қарашли бундай турдаги корхона фақат Африканинг Судан мамлакатида мавжуд. Кенжа корхонанинг маҳсулоти тез орада бутун дунё тўқимачиларининг эътиборини қозонгани боиси шунда.

Бугун дунё тўқимачилари каталогларидан бемалол Тошлоқда тайёрланаётган маҳсулотни топиб олиш мумкин. Чунки жаҳон бозорида унга юқори сифатли эканлигини кафолатловчи «Узтер» тамғаси берилган. Шу йилнинг 5 ойи мобайнида 9,3 миллион АҚШ долларлик маҳсулот чет элга сотилганлиги бу баҳонинг тўғрилигини исботлайди.

Энг муҳими, янги корхона ишга туширилгач, тошлоқлик жуда кўплаб ёшлар, аҳоли иш билан таъминланди. Қиёс: Тошлоқ тумани нафақат водийда, балки мамлакатимизда ҳам аҳоли энг зич жойлашган минтақалардан биридир. Негаки, бу ерда 130 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Бугунги кунда уларнинг 1000 нафардан зиёди муқим иш жойига эга бўлди. Уларнинг кўпчилиги Кореядаги бир қатор тўқимачилик корхоналари, ўқув даргоҳларида билим ва кўникмаларини оширган бўлса, айни кунларда 40 нафардан зиёд ёшлар олис юртда таълим олишаяпти.

Қаранг, кечагина пахтазорларда меҳнат қилиб юрган ўсмирлар бугун иш жойларини тўқимачилик корхонасининг кенг, озода, шинам хоналаридан топишди, дала кийимларини эса корхонанинг ҳаворанг тусдаги коржомаларига алмаштиришди. Тошлоқлик йигит-қизлар бугун малакали мутахассислар сифатида Япония, Германия, Англиядан келтирилган ўта мураккаб, компьютерлаштирилган дастгоҳларни моҳирона бошқармоқдалар.

Уларнинг иш ҳақи, очиқ тан олиш керак, республикамизда мавжуд турдош корхоналардаги касбдошлариникидан 40-45 фоиз юқори: қўлларига ойига ўртача 6000 сўм тегаяпти. Иш эса уч сменада олиб борилмоқда. Бунинг учун ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилган. Улар корхонага махсус автобусларда келиб-кетишади. Ҳар куни бир маҳал бепул иссиқ овқат берилади. Бариси махсус кийим-бош билан таъминланган.

Келажакда Шоҳимардонда корхонанинг дам олиш маскани бунёд этилади. Охунбобоев туманида профилакторийлар қурилади. Бу билан ишчи ва хизматчиларнинг соғлиқларини мустаҳкамлашлари, кўнгилли дам олишларига ғамхўрлик кўрсатилади.

Дарвоқе, кореяликлар корхонани қуриш, эски биноларни таъмирлаш, дастгоҳлар сотиб олиш ва уларни фойдаланишга топшириш учун 58,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлади. Корхона ДЭУ корпорациясининг мулки ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосан валютага сотилмоқда. Бу маблағ эса Кореядаги банкларга эмас, Ўзбекистон Республикаси Миллий банки хазинасига келиб тушаяпти. Бошқача қилиб айтганда, у республикамиз тараққиёти, юртимиз фаравонлигини ошириш мақсадларига хизмат қилаяпти.

Шу билан бирга, корхона Тошлоқ тумани иқтисодиётини ривожлантириш ишига ҳам имкон даражасида ҳисса қўшмоқда. Илгари бу туман солиқ тушуми, бюджет ва пенсия фондига маблағ ажратиш борасида вилоятдаги ўртамиёна туманлардан бири ҳисобланарди. Ҳозир у нафақат вилоятда, балки республикамиздаги иқтисодиёти гуркираб ривожланаётган ҳудудлар қаторига чиқиб олди. Тўқимачилик корхонаси турли тушумлар ҳисобига туман иқтисодиётини ҳар ойда 15 миллион сўм маблағ билан таъминлаётир.

Маълумки, дунё тўқимачилик саноатида фақат калава ип ишлаб чиқариш, уни сотиш унчалик яхши самара бермайди. Агар ундан газлама, турли хил кийим-кечаклар тайёрланса, манфаатдорлик 2-3 ҳисса ортади. Шуни эътиборга олиб, «ДЭУ-текстайл» корпорацияси ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Охунбобоев туманининг Қумтепа мавзеида яна бир тўқимачилик корхонаси қурилишини жадал бошлаб юборди. Ҳозиргача комбинатнинг асосий бинолари қад ростлади. Кореяликлар Тошлоқдаги корхонадан олинаётган даромаднинг асосий қисмини мазкур иншоотга сарфлаяпти. Унга жами 23,7 миллион АҚШ доллар миқдорида сармоя ишлатилади. Бу ерда ҳаво ёрдамида ишлайдиган 213та дастгоҳдан иборат тўқимачилик цехи, 120 минг урчуққа мўлжалланган 2 та йигирув, 300 та дастгоҳни ўз ичи олган тўқувчилик цехлари, шунингдек, бўёқ ва пардозлаш корхоналари қурилиб фойдаланишга топширилади. Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, ҳар йили 50 минг тонна тола қайта ишланади, 4000 киши меҳнат қилади.

Қолаверса, тайёр маҳсулотдан олинадиган соф даромад деярли 10 баробар ортиб, 30 миллион АҚШ доллари миқдорига етади. Бу маблағнинг асосий қисми корхоналарни қайта жиҳозлаш, реконструкциялаш ишларини амалга ошириш, замонавий дастгоҳлар сотиб олиш, ижтимоий-маиший соҳани ривожлантиришга сарфланади.

Яқин вақт ичида Тошлоқдаги корхонада тайёрланган калава ипларни хорижга жўнатишга ҳожат қолмайди. У Қумтепадаги комбинатга келтирилиб, қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ва «Тошлоқ тамғаси» билан истеъмолчиларга жўнатилади.

Режага кўра, янги корхонада шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган эди. Лекин кореялик мутахассислар ишни жадаллаштириш ҳисобига дастлабки маҳсулотни Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллиги байрамига ҳадя қилишмоқчи. Бунга ишонса бўлади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ФАРМОН ВА ИЖРО

# САНИТАРИЯ ҲОЛАТИГА ҲАММА ЖАВОБГАР

«Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, Жиззах вилояти санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан бу борада бирмунча ишлар амалга оширилди.

Маълумки, Фармондан келиб чиқадиган асосий вазифалар давлат санитария назорат тизими фаолиятининг роли ва самарадорлигини ошириш, юқумли касалликлар кўпайишининг олдини олиш, аҳоли яшаш жойларининг санитария ҳолати учун шаҳар ва туманлар ҳокимлари, корхоналар, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини кучайтиришдан иборат.

Бу вазифаларни кенг оммага тушунтириш учун шаҳар ва вилоят телевидениесида, маҳаллий матбуотда СЭС ходимлари давра суҳбатлари уюштирдилар, тарғибот ишлари олиб бормоқдалар. Вилоят санитария-эпидемиология маркази бош ҳакими М.Ражабов ва бошқа мутахассислар республика телевидениеси, «Машъал» радиостанцияси, «Замон» дастурлари орқали чиқиш қилишга улгурдилар. Бу ерда икки мингинчи йилгача мўлжалланган «юқумли касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш дастури» ишлаб чиқилган.

Шунга кўра, катта миқёсдаги амалий ишлар бошлаб юборилди. Ҳозирги кунда иккита гуруҳ тузилган бўлиб, улар тозалик ва ободончилик ҳамда кўрилган чора-тадбирларнинг қандай самара бераётгани йўналишида назорат ўтказяпти. Чунки ёз мавсуми бошланиб, юқумли касалликларнинг тарқалиш хавфи ҳам туғилаётгани сир эмас. Бултур ич терлама касаллиги бўйича Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах туманларидаги вазият анча мураккаблашган эди. Умуман, вилоят бўйича олиб қараганда, қирқ бешта шу касалликка оид носоғлом ҳудуд бор. Уларда тўқсон минг аҳоли истиқомат қилади. Шу одамлар тўлиқ бактерияфак схема билан қамраб олинди, эмлаш ишлари тугалланди. Касал бўлиб ўтганлар, улар билан мулоқотда бўлганлар кейинги ўн-ўн беш йиллик маълумотларга таяниб санация қилинди ва кўрикдан ўтказилди. Лаборатория таҳлили, керакли муолажалар амалга оширилди.

Вилоят ҳокимлигининг мададисиз бундай кенг миқёсдаги тадбирларни амалга ошириш мушкул эди. Чунки вакциналар, зарарсизлантирувчи бошқа воситалар бюджетдан ажратилган қарийб уч миллион сўмлик маблағ эвазига сотиб олинди.

Ўтган қисқа давр ичида тозаликни, ҳавони, ичимлик сувни бузадиган ва касаллик тарқалишига йўл очадиган 140 та ҳолат аниқланди. Ўн иккита туман ва шаҳар коммунал хўжаликлари, сув иншоотлари бошлиқлари, еттита хўжалик раҳбари, ўн тўртта фуқаролар йиғинларининг раислари, йигирма иккита йирик корхона ва муассаса раҳбарлари, ҳатто бир неча ҳоким муовинлари 370 минг сўмлик жаримага тортилди. 66 та объектнинг иш фаолияти тўхтатилди, 131 шахс иш вазифаларидан четлаштирилиб, ўнта иш прокуратурага оширилди.

Жумладан, Пахтакор туман ҳокимининг ўринбосари З.Акажонов уч кунлик муддатда шаҳар тозалигини изга қўймагани, ичимлик сув таъминотини ҳал этмагани учун ўн ойлик маоши миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди. Жиззах шаҳар сувоқова корхонаси раҳбари М.Умаржонов, Бахмал туман деҳқон бозори раҳбари Б.Омоновларни шундай «гуноҳкорлар» қаторига қўшса бўлади. Туманларда, аҳоли яшаш жойларида санитария ҳолатининг ёмонлашгани учун нафақат корхона ёки муассасалар, балки СЭС раҳбарлари ҳам жазоланаяпти. Мирзачўл туман СЭСи бош ҳакими Ш.Турдиев вазифасидан озод қилингани, Арнасой СЭСи бош ҳакими О.Худойқуловга маъмурий чора кўрилгани фикримизнинг далилидир.

Вилоят санитария-эпидемиология маркази ва жойлардаги СЭС ходимлари бу чора-тадбирлар билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Прокуратура, ветеринария хизмати, солиқ қўмитаси, ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда бозорлардаги аҳвол, кўча савдосини таъқиқлаш борасида рейдлар ўтказилди.

Ўтган ҳафтада барча бозорқўмлар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Жиззах шаҳридаги «Кўк бозор», «Олмазор» бозорларини ҳар шанба кунида, туманлардаги бозорларни эса ойда бир-икки кун ёпиб, санитария куни ўтказишга келишиб олинди. Фармон чиққандан бери айнан СЭС ходимлари ва божхоначилар ҳамкорлигида вилоятга кириб келган сифатсиз ўн бир тонна озиқ-овқат маҳсулотлари савдодан олиб қўйилди. Фармоннинг ижроси юзасидан ҳудудларнинг санитария ҳолати учун СЭСлар, коммунал хизмат ходимлари қаторида туман, шаҳар ҳокимлари ҳам баравар жавобгар эканликлари хат орқали уларга етказилган эди. Шу кўрсатманинг бажарилишини суст таъминлаган Мирзачўл, Ғаллаорол, Дўстлик, Зарбдор туманлари ва Жиззах шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосарлари вилоят санитария-эпидемиология маркази маъмурияти томонидан огоҳлантирилди.

Шаҳардаги ўттиз олтита маҳалланинг тозалиги учун ўн олтита гуруҳ иш олиб бораяпти. Ҳозиргача улар назорати туфайли кўп қаватли мавзелар ҳуснини бузиб турган, меъморчилик талабига мос келмайдиган уч юз элликдан ортиқ дўконлар, гаражлар, қўшимча қурилишлар олиб ташланди. Ушбу гуруҳлар вилоят ҳокимлигида ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуига кўра Жиззах шаҳридан ўтувчи магистрал йўллар атрофи ва у ерларда жойлашган корхоналар ҳудудидаги санитария аҳволини ҳам назоратга олишган.

Бир сўз билан айтганда, жиззахликлар санитария қонунларини бузиб, инсонлар саломатлигига путур етказмоқчи бўлганларга, улар оддий фуқароми, ёки раҳбарми, бундан қатъи назар, очиқ курашга бел боғлаганлар.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САМАРҚАНДДАН АЭРОБУСЛАР УЧМОҚДА




“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси учувчилари яна бир хайрли ишга қўл урди. Самарқанд шаҳридан Москвага илк бор А-310 русумли самолёт қатнай бошлади.

Юртимизда халқаро туризмни янада ривожлантириш, барча мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйишда ҳаво йўлларининг ўрни беқиёсдир. Шу мақсадда бу ердаги тайёрагоҳ жаҳон андозалари асосида қайта таъмирланди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Самолётларнинг ҳаводаги ҳаракатини назорат қиладиган замонавий марказ ва йўловчиларга намунали хизмат кўрсатадиган муҳташам зал фойдаланишга топширилди.

Дастлабки парвозни тошкентлик учувчилар амалга оширдилар.

**ЎзА**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 7 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 58,42 |
| 1 Австрия шиллинги | 7,44 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 156,41 |
| 10 Бельгия франки | 25,37 |
| 1 Голландия гульдени | 46,42 |
| 10 Греция драхмаси | 3,13 |
| 1 Дания кронаси | 13,74 |
| 1 БАА дирхами | 25,89 |
| 1 АҚШ доллари | 95,10 |
| 1 Миср фунти | 27,95 |
| 1 Ирландия фунти | 131,55 |
| 1 Исландия кронаси | 1,32 |
| 10 Испания песети | 6,17 |
| 100 Италия лираси | 5,31 |
| 1 Канада доллари | 64,75 |
| 1 Хитой юани | 11,49 |
| 1 Қувайт динори | 314,38 |
| 100 Ливан фунти | 6,30 |
| 1 Малайзия ринггити | 22,75 |
| 1 Германия маркаси | 52,32 |
| 1 Норвегия кронаси | 12,26 |
| 1 Польша злотийси | 27,37 |
| 10 Португалия эскудоси | 5,13 |
| 1 Сингапур доллари | 55,48 |
| 1 СДР | 126,23 |
| 1000 Туркия лираси | 0,35 |
| 1 Финляндия маркаси | 17,23 |
| 1 Франция франки | 15,61 |
| 1 Швеция кронаси | 11,76 |
| 1 Швейцария франки | 62,16 |
| 1 ЭКЮ | 103,52 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,71 |
| 10 Япония иенаси | 6,77 |
| 1 Россия рубли | 15,33 |
| 1 Украина гривнаси | 45,99 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,50 |
| 1 Латвия лати | 158,76 |
| 1 Литва лити | 23,78 |
| 1 Молдава лейи | 20,04 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,94 |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

# УЙИНГИЗ УЧУН ЯНА БИР ЖИҲОЗ





***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** «Оҳангаронпластмассақурилиш» акционерлик жамияти раҳбарияти хайрли ишга қўл урди: бу ерда тез орада жаҳон андозаларига жавоб берадиган қурилиш ашёси — линолеум ишлаб чиқарилади. Шу мақсадда ҳозир корхонада Германиянинг «ERMAFA» фирмаси билан ҳамкорликда замонавий линия барпо этилмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: линолеум ишлаб чиқарадиган янги линиянинг умумий кўриниши; ишчи Абдумавлон Қосимов; германиялик шеф-монтажчи Уве Венцель Оҳангаронда қарийб ярим йилдан буён ишламоқда.*

**В. ПОРТНОВ олган суратлар.**

АКС САДО

# МАФКУРА — ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Президент Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. У бир томондан жамият ҳаётида демократик тамойиллар чуқурлашаётганини билдирса, иккинчи томондан, кенг жамоатчиликнинг эътибори ҳаётимизнинг ўта муҳим ва нозик жиҳатларидан бўлмиш мафкура масаласига қаратилди. **Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.** Мафкуранинг аҳамияти, унинг жамият ҳаётида тутган ўрнини бундан равшан ва лўнда ифодалаш қийин.

Суҳбатда мафкурага қўйиладиган талаблар ҳақида ҳам батафсил тўхтаб ўтилди. Дарҳақиқат, миллий мафкурани шакллантириш ўта мураккаб жараёндир. Аммо бу жараённи ўз ҳолига ташлаб қўйиб ҳам, аксинча, уни сунъий равишда тезлаштириб ҳам бўлмайди. Гап шундаки, мафкурасиз ёки у заифлашган жойда бегона мафкура томир отади. Шошмашошарлик билан яратилган мафкура реал ҳаётда ўз ўрнини топмайди, бундай мафкура, юртбошимиз таъкидлаганларидек, қоғозда қолиб кетади. Мафкура яратилмайди, балки шакллантирилади, унинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилади.

Президентимиз жавобларидан миллий мафкура ва унинг негизини ташкил этадиган миллий ғоянинг қарор топишига бўлган мустаҳкам ишончни илғаш қийин эмас. Ислом Каримов **мафкура одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган бўлиши лозим** деб ҳисоблайди. Беилдиз дарахт бўлмаганидек, миллий қадриятларсиз кучли мафкура ҳам бўлиши мумкин эмас. У ўтмишдан қувват олади. Муҳими, у — кечаги ва эртанги кун ўртасидаги кўприк. Бу яна бир муҳим хулосадир.

Бизга бутунлай ёт коммунистик мафкура халқимиз онгига зўравонлик билан сингдирилди. Қисқа вақт ичида икки марта алифбо алмаштирилди. Бу эса муқаррар равишда халқни ўз тарихидан узоқлаштирди. Зиёлилар, эскича ўқиш-ёзишни биладиганлар қатағон этилди. Эски алифбода битилган нимаики бўлса, у диниййми, дунёвийми-қатъий назар, йўқ қилинди. Натижада халқнинг маънавий дунёсига қирон келди. Бу ҳол ҳар қандай варварликдан қолишмас эди. Худди ана шу йилларда маъмурий-буйруқбозлик тизими, тоталитар фикрлашга асос яратилди, бу тизимнинг ғояси ва мафкурасига йўл очилди. Маълумки, бундай ҳолат халқнинг маданий савияси, кадрларнинг маънавий-маърифий даражаси паст бўлган жойда чуқур илдиз отади. Табиийки, ана шу шароитда чала савод кишилар, айниқса, бошқарув аппаратларида қийинчиликларга дуч келинади. Улар энди юқоридан бериладиган кўрсатмаларга муҳтож бўлади. Шу тариқа, манқуртлар армияси юзага келади.

Пролетариат доҳийлари ўз мақсадларига эришгандек ҳам бўлишди. Собиқ иттифоқнинг барча бурчакларида бир партия, битта мафкура, битта тил ҳукмронлиги ўрнатилди. Аммо унда нима учун кишиларда бефарқлик, лоқайдлик кайфиятлари кундан-кунга чуқурлашиб, коммунистик уйдирмаларга ишончсизлик ортиб борди? Чунки халқ, меҳнат аҳли ишлаб чиқариш муносабатларининг асоси бўлмиш ишлаб чиқариш воситаларидан жудо қилинган эди. Коммунистик мафкуранинг бош йўналиши — ғоявий-сиёсий тарбия, унинг асосини ташкил этадиган сиёсий ва иқтисодий билим мактаблари ўз олдига қўйган мақсадлардан анча йироқ эди. Тингловчиларни ўқув дастурлари, қўлланмалар ва ташвиқотчилар билан таъминлаш қанчалик мукаммаллаштирилмасин, ўқув ишлари табақалаштирилмасин, бу ишни ташкил қилишга нечоғлиқ маблағ сарфланмасин, одамларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, маҳсулот таннархини пасайтиришга сафарбар эта олмади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар қанчалик жозибали бўлмасин, деҳқонга ҳам, қурувчига ҳам, инженерга ҳам барибир бегона тушунчалар эди.

Бир неча минг йиллик шонли тарих, буюк аждодларимиз мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар ва албатта, озодлик ва эркинлик миллий мафкурамиз, миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ташкил этмоғи лозим. Озодлик ва эркинлик инсоннинг табиий ҳолатидир. Сувараклардан бошқа барча жонзот, ҳатто энг содда ўсимликлар ҳам ёруғликка талпиниб яшайди. Агарки айримларимиз мустақилликни арзон колбасадан фарқлай олмаётган эканмиз, демак мафкура бобида ҳали муаммолар бор.Миллий мафкурани «ихтиро» қилиш мутлақо шарт эмас. Бундай вазифа тургани ҳам йўқ. Миллий мафкуранинг асосий тамойиллари, мақсад ва вазифалари Президентимизнинг асарларида, нутқ ва мақолаларида, айниқса, «Тафаккур» журналида эълон қилинган суҳбатда равшан таърифлаб берилган. Мустақиллик нима берди, деган саволга юртбошимиз ўзининг дастлабки рисолаларидан бирида, у энг аввало ўзбек халқининг қадр-қимматини ўрнига қўйди, деб жавоб берган эди. Албатта, билим адоқсиз бўлганидек, мафкурани шакллантириш ва уни ишга солиш воситаларини такомиллаштириш ҳам доимий, мунтазам жараёндир. Озод ва обод Ватан ғояси, жаҳон тамаддунидан муносиб ўрин эгаллаш, қашшоқлик ва ҳуқуқсизликка, тафаккур қуллигига, фикр, бошқариш ва ишлаб чиқариш монополиясининг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш — миллий мафкурамизнинг асосий мақсадларини ташкил этмоғи лозим. Ҳозирги босқичда биз интилаётган маёқ мана шунинг ўзи.

Яқинда дунёдаги энг баланд чўққи — Эверестга Ўзбекистон байроғи қадалди. Бу воқеа ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбини тўлқинлантирди. Ўзбек номи, ўзбек байроғини жаҳонга янада кенгроқ тарқалишига эришиш ҳар бир юртдошимизнинг қалб амрига айланмоғига эриша олсак, ана шундагина биз буюк аждодларимизга ворисликка маънавий ҳақлимиз.

Ўзбекистонда ўзбеклардан бошқа миллат ва элатлар ҳам яшайди. Миллий мафкура уларнинг барчасининг эзгу ният ва мақсадларини ўзида акс эттирмоғи лозим. У содда ва инсоний бўлгандагина бунга эришиш мумкин.

**Нурислом ТЎХЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти директори, профессор.**

Истиқлол одимлари

# ЧИМБОЙ БОЗОРИ

**Қорақалпоғистоннинг Чимбой шаҳрида миллий меъморчилик анъаналари асосида икки қаватли замонавий деҳқон бозори қуришга киришилди. Мажмуа таркибида ўнлаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, хусусий дўконлар бўлади. Бу ерда нафақат Чимбой шаҳри, балки унга туташ туманларнинг деҳқонлари ҳам ўзлари етиштирганноз-неъматлар билан савдо қилади.**

**Чимбой бозори мамлакат мустақиллигининг етти йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.**

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Таълимислоҳоти — янги босқичда

# АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ — ЯНГИ ТИПДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ



Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳозирги замон талабларига, бозор иқтисодиёти эҳтиёжига жавоб берувчи юқори малакали, билимли кадрларни тайёрлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида мажбурий таълим 12 йилга узайтирилиб, 9 йиллик умумий ўрта таълим ва уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жорий этилди. Демак, 9 йиллик умумий ўрта мактабни тамомлаб, давлат шаҳодатномасини олган ўқувчилар яна уч йил ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари-академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириб, чуқур билим оладилар ва касб-ҳунар ўрганадилар.

Академик лицейда ўқувчилар ўзлари танлаган йўналиши бўйича билимларини ошириш ва муайян олий ўқув юртига кириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган фанлар асосларини чуқур, мукаммал ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Академик лицейлар асосан олий ўқув юртлари қошида, шунингдек янги қурилиш ҳисобига, **физика-математика, техника, кимё-биология, тиббиёт, социал-гуманитар, педагогика, ўзбек филологияси, хорижий тиллар ва иқтисодиёт** йўналишларида ташкил этилади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларга касб-ҳунар йўналиши бўйича махсус билим берилади ва касб-ҳунар ўргатилади. Касб-ҳунар коллежлари техникумлар, ишлаб турган ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, бошқа таълим муассасалари негизида ва янги қурилиш ҳисобига, **саноат, транспорт, алоқа, қурилиш ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, педагогика ва ижтимоий соҳа, хизмат кўрсатиш соҳалари, иқтисодиёт** каби йўналишларда ташкил этилади.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш қандай амалга оширилади? Бу умумий ўрта мактабнинг 9-синфини битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ва улар томонидан олинган рейтинг кўрсаткичларига асосланиб, уларнинг академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқиши белгиланади. Шунингдек, ўқувчиларни қабул қилиш чоғида уларнинг қобилиятини, қизиқишини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари томонидан берилган тавсияномалар ҳам ҳисобга олинади.

Академик лицейларга энг қобилиятли, иқтидорли, илм-фанга астойдил қизиққан истеъдодли ўқувчилар қабул қилинадилар ва улар битирганларидан сўнг олий ўқув юртларига ўқишга борадилар. Қобилиятли, аъло баҳоларга ўқиган ва касб-ҳунарга мойиллиги бўлган ўқувчилар ҳамда умумий ўрта мактабнинг қолган барча битирувчилари касб-ҳунар коллежларига қабул қилинадилар. Ўқувчилар касб-ҳунар коллежларини тугатганларидан сўнг олинган мутахассислик бўйича меҳнат фаолиятини амалга оширишлари ёки олий ўқув юртларига кириб ўқишлари мумкин. Кўриниб турибдики, академик лицейни ҳам, касб-ҳунар коллежини ҳам битирувчилари олий ўқув юртига кириш учун бир хил ҳуқуқга эга бўлиб, бу давлатимиз сиёсатининг нақадар инсонпарвар ва одилона эканлигини яққол кўрсатади.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, Миллий дастурни амалга оширишдаги энг оғир, энг мураккаб ва энг нозик масала **уч йиллик таълим муассасаларини ташкил этишдир.** Чунки ёшларнинг тақдири, уларнинг келгусида қандай касб эгаллашлари, келажакда қандай инсон бўлиб етишишлари худди шу босқичда ҳал бўлади десак, муболаға бўлмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида бу борада қилинадиган ишлар аниқ ва равшан кўрсатилиб берилди. Ушбу қарорга асосан, бу таълим масканларини ташкил этиш 1999-2000 ўқув йилида синов тариқасида бошланиб, босқичма-босқич амалга оширилади ва 2004 йилдан бошлаб умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш таъминланади. Шуни таъкидлаймизки, бу йил, яъни 1998-1999 ўқув йилида **синов тариқасида** республикамизнинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилади.

Янги типдаги ўқув юртларини ташкил этишдаги энг мураккаб муаммолардан бири ўқиш жараёнини ташкил этишдир. Бунинг учун халқаро меъёрлар ва андозалар асосида замон талабларига жавоб берувчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишимиз лозим. Давлат таълим стандартлари-бу, ўқув юртининг низоми, ўқув режаси, ўқув дастури, дарсликлар ва қўлланмалардан иборат бўлиб, таълим мазмунини ва сифатини белгиловчи асосий омилдир. Энг биринчи навбатда бажарадиган вазифамиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўлиб, ушбу дастурлар, биринчидан, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги принципига жавоб бериши керак. Фанлардаги бирор мавзу ёки бобларни умумий ўрта таълимда ёки олий таълимда ўша савияда такрорланишига, ва аксинча, умуман қолдирилиб кетилишига йўл қўймаслик керак. Иккинчидан, ўқув дастурлари замонавий талабларга жавоб бериши лозим, яъни бу дастурларни давлатимиз истиқболи ва келажагини кўзлаб тузишимиз керак. Ўқув юртини битириб чиққан ёшлар ҳозирги бозор иқтисодиёти ва илмий-техника тараққиёти талабларига жавоб берувчи, мураккаб замонавий технологияларда бемалол ишлай олувчи юқори малакали мутахассислар бўлиб етишмоғи лозим. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурлари қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

*— умумтаълим фанлари дастурлари (академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун);*

*— шахсни ривожлантириш учун зарур фанлар дастурлари (академик лицейлар учун);*

*— ўқитиш фанлари ва йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган таълим ўқув дастурлари (академик лицейлар учун);*

*— умумтехника касб-ҳунар дастурлари (касб-ҳунар коллежлари учун);*

*— махсус фанлар дастурлари (касб-ҳунар коллежлари учун).*

Бу ўқув дастурлари 1999 йил 1 июлгача ишлаб чиқилиб, 1999-2000 ўқув йилида янгидан ташкил қилинган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тажриба сифатида синаб кўрилади, синов якунлари умумлаштирилиб, унинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда пухта ўқув дастурлари ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, бу йил янги ташкил этиладиган **синов академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг** йўналишлари аниқланиб, улар учун ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Шу кунларда бу борада Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ходимлари, олий ўқув юртлари, техникумлар, касб-ҳунар ўқув юртлари, лицейлар, гимназиялар ҳамда коллежларнинг таълим соҳасида кўзга кўринган ўқитувчи ва мутахассислари ҳамкорликда самарали меҳнат қилмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган республика комиссияси ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларининг ҳар бир бўлими бўйича тузилган кичик комиссия тажриба ўқув дастурларининг ишлаб чиқилиши, синаб кўрилиши ва жорий этилиши устидан назорат ўрнатиб, уларнинг фаолиятини бошқариб турибди.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг йўналишлари бўйича 10 та махсус ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, улар академик лицейлар учун учта йўналишда, яъни:

*1) табиий-илмий (физика-математика, техника, кимё-биология, тиббиёт);*

*2) гуманитар (тарих, жамиятшунослик, ўзбек филологияси, хорижий филология, педагогика, муҳандислик-педагогика);*

*3) иқтисодиёт йўналишларида.*

*Касб-ҳунар коллежлари учун эса:*

*1) саноат, транспорт, алоқа;*

*2) қурилиш ва коммунал хўжалиги;*

*3) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги;*

*4) соғлиқни сақлаш;*

*5) педагогик ва ижтимоий соҳа;*

*6) хизмат кўрсатиш соҳаси;*

*7) иқтисодиёт йўналишларида фаолият кўрсатмоқда.*

Махсус ишчи гуруҳлари академик лицейлар учун чуқурлаштирилган ҳамда касб-ҳунар коллежлари учун умумтехника ва махсус бўлимларидаги ўқитилиши лозим бўлган фанларнинг рўйхатини, уларнинг умумий ҳажмини, соатлар миқдорини аниқлаб чиқдилар. Умумтаълим дастуридаги ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг барча йўналишлардаги ҳар битта фан бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳлари тузилган. Улар аниқ режалар асосида фаолият юритиб, ишлаб чиққан ўқув дастурларини кичик комиссия ва республика комиссиясига тақдим этадилар.

Тажриба ўқув дастурлари синаб кўрилиши атрофлича муҳокама қилиниб, пухта ўқув дастурлари ишлаб чиқилгандан кейинги босқичдаги асосий вазифамиз замонавий дарсликлар яратишдир. Ҳар бир фан йўналиши бўйича яхши дарсликлар яратмасдан туриб, ўқув жараёнини ташкил этиб бўлмайди. Дарсликлар ва қўлланмалар танлов асосида яратилиб, танловда ғолиб чиққан дарсликлар ва ўқув қўлланмалар муаллифлари моддий рағбатлантириладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, дарсликлар ва қўлланмалар яратишда фақат ишчи гуруҳлари эмас, балки республикамизнинг турли бурчакларида яшаб, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган, юрагида ватанга муҳаббат, садоқат туйғулари жўш ураётган барча олимлар, ўқитувчилар, педагоглар, халқ маорифи ходимлари иштирок этишлари лозим. Сизлар ўзингизнинг таклифларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз ва илғор педагогик тажрибаларингиз билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказига мурожаат қилишингиз мумкин. Бундан ташқари, фарзандларимизнинг тақдири ҳал бўладиган бу олижаноб ишда республикамизнинг барча илғор фикрли кишилари, қолаверса, ота-оналар ҳам бефарқ қолмаслиги керак. Бугунги кунда таълим соҳасида амалга ошираётган ишларимиз давлат миқёсидаги ўта муҳим ва долзарб бўлиб, республикамизнинг барча ёшу қариси, бутун жамоатчилик бу ишларимизнинг самарасини кутиб турибди. Олдимизда турган масъулиятли, шарафли вазифани муваффақиятли ҳал этиб, давлатимиз, халқимиз ишончини оқлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Мавлуда НИШОНОВА,**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази бош мутахассиси, физика-математика фанлари номзоди.**

## Ёз неъматлари



# АНГОР ОЛМАСИ ҲИЛ-ҲИЛ ПИШИБДИ...



Республикамизнинг Жанубий минтақаси — Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида бугунги кунда 107 та деҳқон (фермер) хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Абилшо Хўжақулов бошлиқ фермер хўжалиги — шулардан бири. Мана, уч йилдирки, улар эл дастурхонига ширин-шакар мева тортиқ қилмоқдалар. Бу йил 3 гектар боғда, айниқса, мўл ҳосил етиштирилди. Фақат Олмазорнинг ўзидан 25 тонна неъмат саранжомлаш мўлжалланмоқда. Шартномага кўра, унинг 9 тоннаси жамоа хўжалиги омборига топширилади. Қолгани эса арзон нархда ҳамқишлоқларга сотилади.



**СУРАТЛАРДА:** ***опа-сингил Замира ва Юлдуз олмаларни қутиларга жойламоқдалар; ҳосилдан шохларларзон; бутун оила ҳашарга чиқишди.***

**И. Хўжаев (ЎзА) олган суратлар.**

# «ХАЛҚ СЎЗИ» ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА

## НЕГА САРСОН ҚИЛИШАДИ?

Биз Янгиқўрғон тумани Исковот қишлоғида яшовчи 17-болалар боғчасида ишлаётган аёллар бир йилдан буён туман халқ таълими бўлимига қатнайвериб чарчадик. Гап шундаки, икки ёшгача бўлган болаларимизнинг нафақа пулини ололмаётирмиз. Ўтган йилнинг ёз ойларида сал кейинроқ оласизлар, деб ишонтиришди. Кейин эса яна бошқа важ-баҳоналарни рўкач қилишди.

Оила йилида мазкур масалага мутасадди бўлган раҳбарларнинг хатти-ҳаракатини биз тушунмаяпмиз.

**М. Каримова, И. Бўрибоева, З. Жамолова ва бошқалар (хатга ҳаммаси бўлиб саккиз киши имзо чеккан).**

## НАФАҚА ПУЛЛАРИНИ ОЛИШДИ

Янгиқўрғон туман ҳокимлиги мутахассислари томонидан халқ таълими бўлимига қарашли 17-болалар боғчаси тарбиячиларининг мурожаати ўрганиб чиқилди. 1998 йил 1 июнь ҳолатига икки ёшгача бўлган болаларга бериладиган нафақа пуллари туман ҳудудида тарқатиб бўлинди.

Камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий чора кўриш туман халқ таълими бўлимига топширилди.

**А. КАМОЛОВ,**
**Янгиқўрғон туман ҳокими.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ, ХОРИЖИЙ ФИРМА, ВАКОЛАТХОНА ВА ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

***Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги, «Маҳаллий телеком» ва «Ўзбекистон почтаси» акционерлик компаниялари соҳадаги акционерлик жамиятларининг эркин сотув ва хорижий инвесторларга мўлжалланган акциялари тақсимини эълон қилади:***

Ўзбекистон Республикаси почта ва телекоммуникациялари соҳасидаги 23 та акционерлик жамиятларининг Низом фондида эркин сотувга ва хорижий инвесторларга мўлжалланган акциялар мавжуд. Улардан 7 таси электр алоқаси, 14 таси почта алоқаси , биттаси савдо-воситачилик хизматларини кўрсатадилар ва биттаси алоқа иншоотларини қуриш билан шуғулланади.

Бу акционерлик жамиятларининг Низом фонди 7271193,2 минг сўм бўлиб, эркин сотувга 664654 минг сўмлик акциялар мўлжалланган ва хорижий инвесторларга сотиш учун эса 3020411,9 минг сўмлик акциялар ажратилган.

Акциядорлик жамиятлари учун ушбу акцияларни сотиш ғоятда муҳим аҳамиятга эга, чунки сотишдан тушган маблағлар корхонани қайта техникавий жиҳозлаш ва ривожлантиришга сарфланади. Булар ўз навбатида алоқа соҳаси сифатини янада яхшилашга ва хизматлар турини кўпайтиришга хизмат қилади.

Акционерлик жамиятлари тўғрисидаги ахборот қуйидаги жадвалда келтирилган.

| АЖ номи | АЖ манзили ва телефонлари | Низом фонди минг сўм | Эмиссия проспекти бўйича тақсимот | | | | Сотувдаги тақсимот | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | давлат улуши минг сўм | меҳнат жамоаси улуши минг сўм | эркин сотув улуши минг сўм | хорижий инвесторлар учун улуш минг сўм | эркин сотув улуши минг сўм | хорижий инвесторлар учун улуш минг сўм | Жами минг сўм |
| «Андижон телеком» | 3 микрорайон, 12, (37422)243530 | 440885 | 132257 | 66128 | 66128 | 66128 | 66128 | 176342 | 242470 |
| «Наманган телеком» | А.Раҳимов к., 57, (35922)62122 | 528608 | 158583 | 79291 | 79291 | 211444 | 79291 | 211444 | 290735 |
| «Фарғона телеком» | Мустақиллик к., 35, (37322)243333 | 681990 | 204597 | 102298 | 56264 | 318831 | 102298 | 272796 | 375095 |
| «Сирдарё телеком» | Навоий шоҳ к., 45, (3672)250929 | 147932.4 | 44379,7 | 23965 | 20415 | 59173 | 20415 | 59173 | 79588 |
| «Тошкент телеком» | Миробод к., (эски Т.Шевченко к.,) 17, 1339234 | 616773.7 | 185032 | 92516 | 92517 | 246709 | 92517 | 246710 | 339226 |
| «Тошкент таксофони» | Ҳ. Абдуллаев к., 32, 683406 | 3 363 | 1009 | 841 | 673 | 841 | 874 | — | 874 |
| «Тошкент шаҳар телефон тармоғи » | Миробод к., (эски Т.Шевченко к.,) 17, 1335065 | 4 085496 | 1225649 | 612824 | 204274 | 2042748 | 204274 | 2042748 | 2247022 |
| «Ўзимпексалоқа» | А. Темур к., 24, 1363673 | 29354 | 8806 | 7339 | 5871 | 7338 | 5871 | 7338 | 13209 |
| «Алоқаинвест» | А. Темур к., 24, 349530 | 36770.045 | 11031,51 | 9560,38 | 6986 | 9192,7 | 3860,9 | 3860,9 | |
| «Хоразм почтаси» | Маҳмудов к., 23, (36222)67333 | 50554 | 37916 | 5055 | 7583 | — | 1517,2 | — | 1517,2 |
| «Сурхондарё почтаси» | Хўжаев к., 13, (3762)243331 | 78142 | 58607 | 7814 | 11721 | — | 9533 | — | 9533 |
| «Бухоро почтаси» | М. Иқбол к., 12 (3652)230442 | 29585.1 | 22189 | 2958 | 4438 | — | 4438 | — | 4438 |
| «Навоий почтаси» | Х. Дўстлиги к., 3а, (43622)39241 | 35816 | 26862 | 3582 | 5372 | — | 5372 | — | 5372 |
| «Самарқанд почтаси» | М. Улуғбек к. , 37(3662) 333861 | 59759 | 44819 | 5976 | 8964 | — | 1464 | — | 1464 |
| «Жиззах почтаси» | Ш.Рашидов м., Алоқачилар уйи,(3722) 235245 | 21526 | 16144,5 | 2152,5 | 3229 | — | 3229 | — | 3229 |
| «Тошкент почтаси» | Фарҳод к., 3, 500443 | 50258 | 37693 | 5026 | 7539 | — | 7539 | — | 7539 |
| «Сирдарё почтаси» | Навоий к.,45, (3772)251652 | 30939 | 23204 | 3094 | 4641 | — | 4517 | — | 7539 |
| «Наманган почтаси» | А. Раҳимов к., 57, (36922)63311 | 52934 | 39701 | 5293 | 7940 | — | 7940 | — | 7940 |
| «Андижон почтаси» | А. Темур к., 2 (3742)243843 | 63257 | 47443 | 6326 | 9488 | — | 9488 | — | 9488 |
| «Ўзбекистон маркаси» | Навоий к., 28-А, 1363648 | 4400 | 3300 | 440 | 660 | — | 660 | — | 660 |
| «Тошкент почтамти» | А. Тўқай к., 7, 1334749 | 151775 | 113831 | 15177 | 22767 | — | 22767 | — | 22767 |
| «Халқаро тезкор почта» | Туркистон к., 14, 1333269 | 2 715 | 2034 | 272 | 407 | — | 407 | — | 407 |
| «Халқаро почтамт» | Туркистон к., 14, 1338116 | 68361 | 51271 | 6836 | 10254 | — | 10254 | — | 10254 |

**Соҳадаги акционерлик жамиятлари орасида зарар кўриб ишлаётган корхоналар йўқ, уларнинг маҳсулдорлик даражаси юқори. Алоқа соҳаси акционерлик жамиятлари акцияларини сотиб олиш — энг ишончли сармоя жойлаштиришдир. Қўшимча маълумотларни қуйидаги ташкилотлардан олиш мумкин:**

- электр алоқаси акционерлик жамиятлари бўйича: «Маҳаллий телеком» АК , Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24 - уй, тел. 133-42-59;
- почта алоқаси акционерлик жамиятлари бўйича: «Ўзбекистон почтаси» ДАК, Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси 2-уй, тел. 133-47-57.

Яна акциялар сотилиши бўйича маълумотларни «Алском-Бро» соҳа брокерлик ташкилотидан ҳам олиш мумкин. Унинг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 2 уй, тел. 132-07-15.

